

---

## Вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати

Фарғона вилояти ҳоқимлиги ахборот хизмати раҳбари - Джумабаев Дилмурод Хасанбаевич

Телефон: 73 244-33-00

e-mail: info@ferghana.uz

### Ахборот хизматининг асосий вазифалари

- вилоят ҳоқимлиги фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, вилоят ҳоқимлигининг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

- вилоят ҳоқимлигида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;- вилоят ҳоқимлигининг ижобий имиджини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрасияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

- мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида вилоят ҳоқимлиги раҳбарларининг чиқишларини ташкил этиш;

- ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хужжларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли вилоят ҳоқимлиги фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

- вилоят ҳоқимлиги билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

- вилоят ҳоқимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позисиясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида вилоят ҳоқимлиги раҳбариятига ахборот бериб бориш;

- вилоят ҳоқимлиги фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

- вилоят ҳоқимлигининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

- вилоят ҳоқимлигининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

---

2017-07-28 13:52:09